

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингил!

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1986 йил 1 июлдан ЧИҚА БОШЛАГАН. № 50 (5. 941) • 1986 йил 28 февраль, жума • Баҳосен 3 тинчи.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг бориши тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг 1986 йил 26 февралдаги кечқурунги мажлисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сийёсий докладыни ва КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисобот докладыни муҳокама қилиш давом эттирилди.

Музокараларда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико, В. И. Ленин номидаги Кострома зигир тола газламаси комбинатининг тўқувчиси В. Н. Плетнева, КПСС Челябинск область комитетининг биринчи секретари Г. Г. Ведерников, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонов, Тюмень область КПСС Сургут шаҳар комитетининг биринчи секретари Н. Г. Аникин, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. Г. Вайно ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Эрих Хонеккер, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Густав Гусак, Венгрия Социалистик ишчи

партиясининг Бош секретари Янош Кадар ўртоқлар съездини табриклай нутқ сўзладилар.

1986 йил 27 февраль куни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди ўз иштини давом эттирди.

Эрталабки мажлисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сийёсий докладыни ва КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисобот докладыни муҳокама қилиш юзасидан музокараларда КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Ю. Ф. Соловьев, Қозғистон ССР Целиноград облатининг Қўрғалжин районидаги Омонгелди номи совхоз тракторчиси Н. В. Геллерт, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. К. Пуго ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Съезд қатнашчиларини Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси ўртоқ Тодор Живков табриклайди.

Музокараларда КПСС Бошқирдистон область комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. З. Шакиров ҳам сўзга чиқди.

Сўнгра Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикасининг Президенти ўртоқ Николае Чаушеску табрик нутқи сўзлади.

Съезд мандат комиссиясининг докладыни тинглади, комиссия раиси ўртоқ Г. П. Разумовский доклад қилди.

Съезд делегатлари мандат комиссиясининг докладыни бир овоздан тасдиқладилар.

Сўнгра музокараларда «Ф. Э. Дзержинский номи Пермь машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг созловчиси Н. М. Ершова, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. М. Багиров ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Эрталабки мажлисининг охирида Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали Президиумининг Раиси Жамбин Батмунх, МПЛА — Меҳнат партиясининг Раиси, Ангола Халқ Республикасининг Президенти Жозе Эдуарду Дус Сантус, Лаос Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Лаос Халқ Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси Кейсон Фомвихан ўртоқлар съездни табриклайдилар.

СЪЕЗД КУНДАЛИГИ



26 февраль кечки мажлисида СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико биринчи бўлиб сўзга чиқди.

Съезд делегатлари ва ўлар билан бирга бутун партия ўзи йилликларда қилган ишларини қатъий амалий тарзда баҳолаб, янги муваффақиятларга эришишга умид қилди, деди у. Инсониятни қуролланган машаққатдан ҳалос қилиш йўли топилишини иттифоқчиларимиз ва дўстларимиз, барча халқлар мушторқин билан кутмоқдалар. Советлар мамлакатини ўзининг бутун обрў-эътиборини, ўз сийёсатининг бутун нуфузини торовининг бутун тинчликка хизмат қиладиган палласига қўймоқда.

Режаларимизнинг улғурволити социалистик тузум заминидан барча резервларини сафарбар қилишни талаб этмоқда, деди сўзини давом эттириб нотқ.

Халқ депутатлари Советларидан тўла-тўқис фойдаланиш давлат ва жамоат ҳаётидан энг муҳим аҳтижлардан биридир.

Маҳаллий Советлар ўз вазифаларини бажаришлари зарурлигини оғизда тан олсалар ҳам, аммо кўпинча ҳамма ишни қарорлар қабул қилишдан иборат, деб билиш билан шугулланмасликлари ёки бу ишнинг миқёси жуда торлиги сингари аҳволга чек қўйиш пайти

келганини съезд минбаридан қатъий қилиб айтиш керак. Муружаат этиб келган ишларга нисбатан қўполлик қилмай, балки сезгир муносабатда бўлиш ва ғамхўрлик кўрсатиш лозим. Бу иш ҳар бир депутат, ҳар бир ижрокком, ҳар бир совет фаолиятининг юнгуни бўлиб қолиши керак. Биронта ҳам граждан депутат билан учрашмасдан кетмайдиган бўлиши.

Бизнинг жамини ички ривожланиш планларимиз, Совет давлатининг режалари ва ташқи ишлардаги стратегиямиз — инсон ҳуқуқлари, шахсининг эркинликлари жуда чуқур ҳурмат қилинишининг, юксак инсонпарварликнинг кўрсаткичидир, инсоннинг яшашга бўлган муқаддас ҳуқуқини зўр эҳтирсиз билан ҳимоя қилиш тимсолидир, деди сўзининг охирида А. А. Громико.

В. И. Ленин номи Кострома зигир газлама комбинатининг тўқувчиси В. Н. Плетнева минбарга чиқди. Мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш йўли, ўртада турган вазифаларни ҳал этишга ёндашишдаги янгилик, совет кишиларининг турмушини қандай қилиб янада яхшилаш, бутун дунёда тинчликни сақлаб қолиш тўғрисидаги ғамхўрлик ғоят манун этмоқда, деди у. Ишчи бўлганим учун содда қилиб шундай дейман: бу — халққа ёқадиган тўғри сийёсат! Бу сийёсатни чин қўнғилдан маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз.

Сийёсий докладыда проблемаларимиз ва намчилларимиз тўғрисида ошқоғра гап бошлаб берилди. Бу рўй

ростлик ва ошқораликни жуда дўрғилди, деб ҳисоблайман. Ленинча иш тутиш, деб шунга айтишлар! Биз съезд арафасида муҳокама қилган асосий программавий ҳужжатларнинг сатрларини ўқиганда уларни ҳаммаимиз сидқилдан қабул этдик ва олдимизда жуда катта вазифалар турганини пайқаб олдик. Аммо бир нарсани ташвишга солмоқда: қайта қўриш ҳақида гап бошлашга бошлаб кўйдим, аммо умуман ҳозирча биз ишлаб чиқаришни интенсификация тарофида сувт бурниламиз. Кўпинча аввалги одат билан ишлаяпмиз. Одий ишчилдан министргача — ҳамма ўзинга чуқурроқ назар ташлаганда эди, катта ишнинг зарралари учун ҳар биримиз виждонимиз олдига жавоб беришимиз лозимлигини кўриб олар эдик. Тартиб ва интизомни муштақамлаш хусусида ҳам шу гапни айтиш керак. Ҳали ҳам орамизда пала-партиш иш қиладиганлар, ичкиликбозлар, ўзгалар ҳисобига кун кўриш иштиғидаги турли-туман нухсалар учраб туради. Баъзи кишилар бутун куч-ғайратини сарфлаб ишласа, бошқалар уларнинг парасига беркинади, баъзан эса бутунлай ишга чиқмай, текниҳурларча иш қуради. Давлат неъматларидан эса баб-баравар фойдаланмоқчи бўлади, баъзан эса қилмаган ишни учун маош ҳам олади. Кескинроқ ҳаракат қилиш керак, чора-тадбирлар умумлаш томонидан маъқуллашдан кейин келинлар, ҳар биримиз ўз иш жойимизда меҳнатсеварлик намунасини, мақсадга эришишда саботли бўлиш ва камтарликлар намунасини қўрсатай

лик, деб даъват қилди нотқ. Партиявий виждонимиз ҳамма ишларимиз ва зарарларимиз сифатининг гарови бўлиши.

КПСС Челябинск область комитетининг биринчи секретари Г. Г. Ведерников КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг қарорлари иқтисодий оғига жуда катта таъсир қилганини таъкидлади. Одамлар ишларини жадаллаштириш мумкинлигини, фикрлашда амалий ишларда ҳам бурлиш қилиш мумкинлигини ўз тажрибаларида ишонч ҳосил қилдилар, деди у.

Қайта қўришнинг муваффақияти бошланғич партия ташкилотлари ва партия гуруҳларидидаги ташкилотчилик ҳамда сийёсий иш савиясига боғлиқ эканини кўриб туришимиз, уларнинг ижодий ташаббуси ва куч-ғайратига таънишга ҳаракат қилиямиз.

Нотқ халқ ҳўжаллигини янги техника неғизда турдан реконструкция қилиш жадаллаштириш бош воситаси эканини тўғрисида сийёсий докладыда чиқарилган ҳулосаларни қўллаб-қувватлади. Бирок техника билан қайта қўроллантириш соҳасидаги ишнинг бошланғич айрим министрикларнинг КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми талаблари руҳида ўз ишини қайта қўришни истамасликларига дуч келди, деди у. Белги-ланган режаларнинг амалга оширилиши учун СССР Госплани, министриклар ва идоралар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш керак, аввало Марказий органларнинг бошқарув аппаратини қисқартириш,

уни юқори малакали омили кадрлар билан муштақамлаш юзасидан қатъий чоралар кўриш лозим. Мамлакат халқ ҳўжаллигини бошқариш учун СССР агросаноат давлат комитети каби йirik комплексларни барпо этиш йўлини зўр ғайрат билан ўтказиш керак.

Сўнгра Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонов сўзга берилди. (Маъмур нутқ газетанинг 2-саҳифасида босилмоқда).

Съездининг иши, КПСС Марказий Комитетининг Сийёсий доклады, деди Тюмень область Сургут шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Н. Г. Аникин, партия, унинг Марказий Комитети бунёдкорлик фаолиятининг кеңг манзарасини очиб берди.

Бу ўзгаришларга қадимий ва айни вақтда янги Сургут шаҳрининг партия ташкилоти ўз ҳиссасини қўшмоқда, бу шаҳар энди йirik нефть, газ районининг марказига айланган.

Ҳозир шаҳар партия комитети, деди нотқ кўйиб ишлаб чиқариш коллективларидида ишчи яхшилашга кўп эътибор бермоқда, одамларнинг меҳнат ва турмуш шартларини яхшилашга эътибор кучайтирилди.

Жуда катта ёқилги запасларига эга бўлган бизнинг районимиз электр энергиянинг ачағина қисминини хали ҳам Уралдан олмақда. Бундай аҳволни ўзгартириш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Омманинг жонли ижодкорлиги, социалистик тузумнинг жуда катта имкониятлари ва афзалликларидан максимал даражада фойдаланиш — бизнинг муваффақиятимизни таъминлаб бериши лозим бўлган бош омилидир.

(КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездида сийёсий докладидан).

Ҳақиқат, қатъият ва муштарак мақсад сабоқлари

ТОШКЕНТ ШАҲРИ МЕҲНАТҚАШЛАРИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯ XXVII СЪЕЗДИГА СИЙЕСИЙ ДОКЛАДИ ТЎҒРИСИДА

ШУ КУНЛАРДА бутун жаҳон бу ҳужжат сатрларини ўқиб, тинглаб қалбига жо этмоқда. Миллион-миллион кишилар КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сийёсий докладыда замонамизнинг энг ўткир,

энг муҳим масалаларига жавоб топтоқдалар. Совет кишиларининг ифтихор туйғулари ўзгача: биз бундан буён ҳам иқтисодий тараққиётнинг олдинги сафларидида бориб, инсониятга энг адолатли иқтисодий тузум йўлини очиб бораверамиз. Бунинг

учун эса ишга ҳалал берадиган, мамлакатнинг тараққиётига ҳалақат берадиган ҳамма эски нарсалардан қатъийтан билан ҳалос бўлиш лозим.

Партиянинг куч-ғайратини ва планларини бутун халқ маъқулламоқда.

В. ГУЛИН,

Тошкент олий партия мактаби халқор коммунистик ва ишчилар ҳаракати кафедрасининг мудири:

— Ишчанлик, амалий йўл-йўриқлар ҳужжатга хос қилаларди. Докладыда бай этилган тинчликни муштақамлашнинг конкрет программаси ғойий душманларимизнинг ҳужуралини дафт этиди. Энди улар Совет Иттифоқининг тинчликсеварлик таклифларига кеңг жавоб беришлари ёки ер юзи халқлари олдига уруш оловини ёқувчилар сифатида шарманда-шарминсор бўлишлари керак.

М. ТУРОПОВ,

Тошкент трактор заводининг созловчиси:

— Кеңи сменадан қайтиб келиб, ҳозир Михаил Сергеевич Горбачевнинг съездидаги докладыни ўқимоқдаман. Сўнги йилларда халқимизни ҳажонга солиб турган ҳамма масалалар хусусида ҳалол, дадил ва очик-ойдин айтилган. Ўзбекистонда содир бўлган хатоликлар ҳақида ҳам аччиқ ҳақиқат сўзлари янгради. Биз ишчи-фаолиятчиларимиз қўллаб-қувватлашимизни қўралла айтганим! Худди шу

йўл билан ошқоғра таққидчин ҳақиқатни айтиш билан биз олға қараб буладиган ҳаракатимизни жадаллаштирамиз.

З. НУРИДИНОВ,

«Главатшпассавтотранс» шифери:

— Сийёсий докладыда ўзини бошқаришнинг тўғри ҳисобидида бригадалар фаолиятининг ҳаётийлиги жуда тўғри таъкидлаб ўтилган. Ҳамма бригадалар, сўнгра эса мастерлар смена участка ва цех бошқаруши сайлаб қўйилиши лозимлиги ҳақидаги масалани ўз вақтида ўртага қўйилган масала, деб ҳисоблайман. Бундай қилиш, ишлаб чиқариш муносабатларига иқобий таъсир этибгина қолмай, ўрта бўғиндаги раҳбарларнинг обрўсини ҳам кўтарди.

А. МҮМИНХҲАЖЕВА,

Тошкентдаги чарм-галатерия ва спорт моллари бирлашмаси комсомол комитетининг секретари:

— Биз комсомоллар, нима учун фабрикада ишлаб турган учун махсус ишлаб чиқарилаётган буюмларини сотиб олмаймиз, деб ўз-ўзинизга савол берганимизда хижолатдан қизариб кета-

миз. Жавоб аниқ эди: моделлар ҳам, махсулот сифати ҳам қўнғилдагидек эмас. Биз халқ олдидидаги масъулиятни ҳис этишга ўрганишимиз керак... Бундан буён, КПСС Марказий Комитетининг Сийёсий докладыда айтилганидек, муваффақият умумий ишлаб чиқаришдан махсулот билан эмас, балки одамларга ҳақиқатан зарур бўлган буюмларнинг миқдори, сифати ва хилма-хиллиги билан қадрланади.

А. СОНПОВ,

«Главатшпассавтотранс»нинг юристувчиси:

— Социал адолат деган икитта сўз қанчалар чуқур мазмунга эга бутун бир ҳаракат программасидир! Партия талаб қилганидек социал адолатни қарор топтириш, энг аввало ўзинг билан бирга меҳнат қиладиган ва фақат меҳнат қиладиган ҳар бир кишини қадриш демократизм, М. С. Горбачевнинг докладыда яхши ишчи рағбатлаштиришнинг таъсирини кучайтириш кераклиги тўғрисида гапирлади. Мана шунинг ўзи адолатдир: одамлар умумий ишга қўшган ҳиссасига қараб қадрлашнинг ўзи адолатдир. (ЎзТАГ).



КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев қилган сийёсий доклады ҳозирги кунларда

корхона ва ташкилотларнинг меҳнат коллективлари ўртасида кеңг муҳокама қилинмоқда. Шу муносабат билан жойларда кўп кишилик митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтати. Яқинда шундай митинг «Қизил тон»

тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам бўлиб ўтди.

СУРАТДА: митинг қатнашчилари.

Т. Каримов фотоси.

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

27 февраль куни чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамиятида Ҳиндистон миллий конгресси (И) партияси ташкил этилганлигини 100 йилгига бағишланган илмий семинар бўлиб ўтди. Семинар ишда жамият активлари, Тошкент олий мактабларининг тарихчи олимлари қатнаш-

дилар. Сўзга чиққанлар ватанпарвар кучларнинг Ҳиндистоннинг муштақиллик учун қуралишига бошчилик қилган, мамлакат экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда муваффақиятларга эришган Ҳиндистон миллий конгресси (И) партиясининг тарихий роли тўғрисида меҳнаткорларнинг муштарак таънишлари билан совет халқи ўрта-сидаги ҳар томонлама алоқадор ва анъанавий дўстликни муштақамлашга салмоқли ҳисса қўшиб, Ҳиндистон Республикасининг ҳужумрон партияси ўтказиб келадиган тинчлик ва бетарафлик сийёсатини актив қўллаб-қувватлаётганликлари қайд этилди. (ЎзТАГ).

УН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА 1-ФУРМАНОВ ВА 35-СОБИР РАҲИМОВ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ БУЙИЧА САЙЛОВ УТҚАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 24 ва 26-моддалари асосида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроккоми тети қарор қилди:

Ун биринчи чакриқ Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов утқазувчи 1-Фурманов ва 35-Собир Раҳимов сайлов округлари буйича округ сайлов комиссиялари жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг қуйидаги вакиллари составида тасдиқлансин:

1-Фурманов сайлов округи буйича — Округ сайлов комиссиясининг раиси — Мирқубонова Насрулло Мирсултонович — ўқув ишлари буйича проректор, В. В. Решетов номидаги рус тили ва адабети институтининг бошланғич партия ташкилотидан, Округ сайлов комиссиясининг раиси — Юнусова

Нафиса — ўқитувчи, 81-ўрта мактаб ходимлари коллективидан,

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари: Жалолов Аббос Анварович — слесарь, 2512-автоколонна бошланғич комсомол ташкилотидан,

Эшмухамедова Муаттар — лаборант, Ўзбекистон юқумли касалликлар микро-биологияси ва эпидемиологияси илмий-тадқиқот институти бошланғич касаса союз ташкилотидан, Мақсудов Алишер Нуриддинович — соат йиғувчи, Орёлдаги «Янтар» ишлаб чиқариш бирлашмаси филиали бошланғич партия таш-

килотидан, Хожиев Саодат Қобуллова — ҳамшира, 8-поликлиника бошланғич комсомол ташкилотидан,

Шигаков Анвар Шамилевич — слесарь, 2512-автоколонна бошланғич партия ташкилотидан,

Широков Николай Владимирович — инженер-конструктор, Орёлдаги «Янтар» ишлаб чиқариш бирлашмаси филиали бошланғич партия ташкилотидан, 35-Собир Раҳимов сайлов округи буйича — Округ сайлов комиссиясининг раиси — Замостная Лидия Алексеевна — бош фойдаланувчи, республика Давлат Табиат музейи бошланғич партия ташкилотидан, Округ сайлов комиссиясининг раисининг ўринбосари — Ғаниев Шукурдин Тўхта-

евич — бадий цех ишчиси, чинни заводи бошланғич партия ташкилотидан;

Округ сайлов комиссиясининг секретари — Халилова Завкия Нуриддиновна — рус тили ўқитувчиси, 11-ўрта мактаб бошланғич касаса союз ташкилотидан,

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари: Жалолова Муҳайё Худоевона — инженер-технолог, қадоқлаш буюмлари бадий-конструкторлик бюроси бошланғич комсомол ташкилотидан, Дадамухамедов Абдуҷаббор — қирқувчи, қадоқлаш буюмлари бадий-конструкторлик бюроси бошланғич касаса союз ташкилотидан,

Жобирова Насиба Иброхимовна — И. Охунбоев номидаги маданият уйининг директори, район маданият бўлими бошланғич партия ташкилотидан,

Жаборова Буроби — брошюровчи — қадоқлаш буюмлари бадий-конструкторлик бюроси бошланғич партия ташкилотидан,

Тўрахонов Анвар Тўрахонович — катта илмий ходим, республика Давлат Табиат музейи бошланғич касаса союз ташкилотидан, Файзуллаев Рашид — муқоваллаш цехи бригада бошчилиги, қадоқлаш буюмлари бадий-конструкторлик бюроси бошланғич касаса союз ташкилотидан,

Тошкент шаҳар Совети ижроккоми тети раиси Ш. МИРСАИДОВ,

Тошкент шаҳар Совети ижроккоми тети раисининг ўринбосари В. МАНАСТРЕТСКАЯ,

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ ШУХРАТ (Ғ. А. ОЛИМОВ)ГА «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ЎЗУВЧИСИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ёзувчи Шухрат (Ғулом Аминжонович Олимов)га «Ўзбекистон ССР халқ ўзувчиси» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1986 йил 27 февраль. (Ўзбекистон ССР халқ ўзувчиси Шухрат билан суҳбатни газетанинг тўртинчи саҳифасида ўқийсиз)

МАШАҚҚАТЛИ ҒАЛАБА Хоккей

«Кеча» «Юбилей» Марказий спорт залида шайбали хоккей бўйича «Бинокор» (Тошкент) ва «Крис-

тэлл» (Электросталь) командалари ўртасида урғувлаш бўлиб ўтди. Кескин кураш остида ўтган бу беллашув 4:3 ҳисобида майдон эгаларининг ғалабаси билан яқунланди.

Зарбдор график асосида

Беш йиллик одимлари



Тошкент агрегат заводи коллективи орасида ўз касбига илҳос қўйган ёшлар қўлаб топилади. Шулардан бири Корхона 1-цехи ишчиси Фармон Хусанбоевдир. Бу меҳнаткаш йигитнинг заводга ишга келганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин у шу қисқа муддат ичида тиришқоқлиги ва эчкилиги билан силлиқовчи касбини мукамал ўқаштириб олди.

Шу кунларда Ф. Хусанбоев ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқда. У шахсий план-топшириқларини муддатидан илгари бажаришга аҳд қилган. Корхона пешкавлари қаторидан ўрин олган бу ғайратли ишчи ҳозирда квартал планини бажариш арасида турибди.

СУРАТДА: Ф. Хусанбоев.

Е. Ботиров фотоси.

Партия аъзамларини муносиб, шояди меҳнат зафарлари билан кўтиб олиш тошкентликлар ва пойтахт области меҳнатқашларининг азалий эҳтиши бўлган. Саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги ва республиканинг маънавий ҳаётини ташкил қилувчиларнинг иштирокидаги КПСС XXVII съездини муносиб кўтиб олиш бўйича ҳаракати бунинг яққол мисолидир. Улар ўзларининг 1985 йил май ойидаги мунозараларида мамлакат коммунистларининг бўлажак съезди шарафига социалистик мусобақа бошлашди, 1985 йил ва бутун беш йиллик планларини муваффақиятли адо этишга, 1986 йилнинг январь-февраль ойлари ишлаб чиқариш топшириқларини муддатидан аввал бажаришга даъват этилди.

Туғанган съезддаги мусобақасини Тошкент область касабасоҳиблари Совети раиси А. В. БАЙИЛОВ шарҳлайди:

— Тошкент шаҳри ва областнинг юз минглаб меҳнатқаш ташабукурларини қўлаб-қувватлаб партия съезди шарафига оширилган социалистик мажбуриятлар олдидан «КПСС XXVII съезди» — 27 зарбдор ўн кунлик» широри остига зарбдор вахтага турди. 693 миң ишчи ва колхозчи беш йиллик топшириқини муддатидан илгари адо этишди, 2.610 нафарга эса 8—12 йиллик планларини адо этишди.

Бутун 27 ўн кунлик мобайнида меҳнат коллективларида меҳнат ва сиёсий кўтаришнинг вазияти ҳукмрон бўлди. Меҳнат суръати айниқса йилнинг иккинчи ярмида сезиларли даражада ўсди. Янги беш йилликнинг биринчи йили январь ва февраль ойлариди иш натижалари бунинг олға ҳаракат

эди. Бу конкурс мамлакат коммунистлари анжуманига бағишланган. Булар орасида Тошкент шаҳри ва област меҳнатқашлари «Ташсельмаш» заводининг слесарь-асбоси А. Левашов, тоғар С. Пастухов, фрезерчи Ф. Пишунин, «Главашкентстрой»нинг 4-қурилиш трести 38-қурилиш бошқармаси гинг терувчиси Т. Полвонов, Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси чевари М. Тошмухамедова, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш биришмаси тўқувчиси М. Хантова, «Матбўт» полиграфия ишлаб чиқариши биришмаси печатниги М. Файзиев ва бошқалар бор.

Ўн кунликлар якуни бўйича республика съезддаги мусобақаси ғолиби бўлган областдаги 139 корхона ва ташкилот колхоз ва совхоз коллективлари ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, ўзбекистон ССР Министрлар Совети, ўзбекистон касабасоҳиблари республика Совети ва ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг оғзаки вимпеллари ва ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари таштабукорлари билан мукофотландилар. Уларнинг номлари ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари таштабукори ўрнатилган Хурмат тахтисига ёзилди. «Ўзбексельмаш», «Средазэлек

троапарат» ишлаб чиқариш биришмаси, «Компрессор», лак-бўёқ заводлари, Середи экспериментал қурилиш плиталири заводи, 11-«Висотстрой» трести, «Узэлектромонтаж» трести, Чирчиқдаги «Гуна» тикувчилик фабрикаси, Тошкент қозғоқ фабрикаси каби корхоналарнинг коллективлари бу шарафга бир неча марта эътибор бўлиди. 72 коллектив ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети ва Тошкент область касабасоҳиблари Советининг «Съезддаги меҳнат вақтаси ғолиби» дипломи билан тақдирландилар.

Партия, касабасоҳиб, комсомол ташкилотлари томонидан бевосита меҳнат коллективларида анча ишлар қилинди. Тажриба ишчи кўрсаткичини, зарбдор вахта ишчилари кўп жиҳатдан социалистик мусобақани ташкил этишга ва унинг таъсирчанлигига, меҳнат беллашув формаларининг ривожлантиришга ва тақомиллаштиришга боғлиқдир.

Саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва област халқ хўжалигининг бошқа тармоқлардаги 300 миңдан ортиқ ишчи 1986 йилнинг иккинчи ойи план-топшириқини муддатидан аввал адо этиди. Қўлгина корхоналарда ўн кунликлар партия съездларига, ишлаб чиқаришдаги

асосий ва ёрдамчи касбларга бағишланди. Яхшилаб беланган стендлар ва экранларда мусобақанинг кундалик бориши ва ўн кунлик якунилари ёрқин қилиб ёритиб берилди. Ғолиб бригадалар, устаслар, деҳлар шарафига меҳнат шўҳрати байроқлари кўтарилди. «Тошкент трактор заводи», В. П. Чкалов номи авиация, «Средазкабель» ишлаб чиқариш биришмасида ва бошқа коллективларда энг яхши ишчилар ва коллективларга оғзаки вимпеллар, гувоҳномалар, фахрий ёрлиқлар топширилди.

Шу билан бирга съезддаги мусобақасида қўлга киритилган ижобий натижалар билан бир қаторда, айрим корхоналар ва ташкилотларда «КПСС XXVII съезди» — 27 зарбдор ўн кунлик» широри остида мусобақа қўлтирилган даражада кенг ёйилмади. Бу коллективларда меҳнат беллашув форма ва методлари шаҳар ва областни иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги босқичи характерига тўла мувофиқ келмади. Натижада Тошкент шаҳрида 18 корхона, жумладан ўзбекистон ССР ва ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номи тикувчилик ишлаб чиқариш биришмаси, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш биришмаси,

экспанатор заводи, «Ўзбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш биришмасининг машинасозлик заводи, «Ташавтоматика», «Ташхимсельмаш» заводлари ва бошқа корхоналар шу йилнинг январь ойи учун белгиланган меҳнат унвдорлигини ўстириш бўйича топшириқни уздай олишмади.

Агар бугунги кун ҳақида гапирилганидан бўлса, у КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми қарорлари билан бошланган партия ва мамлакатимиз ҳаётидаги ғоят муҳим давр характерини ифода қилади. — Ҳушда бу Пленумда партия съездида тайёргарликнинг асосий ҳаракатларини кўчи бўлган широрлар — мамлакатни социалистик йўналишда ривожлантиришнинг мажбуриятини, фантехника тараққиёти, сўз ва иш бирлиги, таштабукурдор ва масъулият, ўнча ва ўртоқларига талабчанлик каби широрлар ўртага ташланган. Бунинг ҳозир ҳақ этилаётган ва бутун ўн иккинчи беш йилликдан қизил ип бўлиб ўтаётган вазифалар, яъни экономиканинг интенсификацияси кучли социал сиёсат ва ички идеология ишлари билан қўшиб олиб бориш вазирилари муносабати билан ҳам алоҳида таъкидлаб ўтinish истардик.

ДЕПУТАТ ВА ХАЁТ

Хатга эътибор—элга эътибор

Киров район Совети ижроия комитетининг топшириғига биноан социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини сақлаш доимий комиссияси ижроия комитет умумий бўлимининг граждандарнинг хат ва шикоятлари билан ишлашнинг форма ва усулларини тақомиллаштириш бўйича ишчини текширишди.

Шуни айтиш керакики, комиссияда учун бу масала янги эмасди. Йил давомида биз ободонлаштириш бошқармаси, район ички ишлар бўлими, халқ суди, турар жой ишлаб чиқариш-эксплуатация трести, турар жой эксплуатация участкалари, квартира бўлимларида бир неча марта хатлар билан ишлашни текширган эдик. Текширишдан шу нарса маълум бўлдики, турар жой широрини яхшилаш, қурилиш ишлари яхши бажарилмаганлиги, ер ажриш широрини, пропискага ўтказиш, савдо ва умумий оқаланиш, иситиш системасининг яхши эмаслиги масалалари билан боғлиқ шикоятлар анча камийган.

Айни пайтда хатларни, шикоят ва арзиларни кўриб чиқишда квартира бўлими, ободонлаштириш бошқармаси, район ички ишлар бўлими, турар жой ишлаб чиқариш-эксплуатация трестида камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Ижроия комитет бўлимида эса кўриб чиқиш муддати қўзиб юборилган шикоятлар борлиги аниқланди.

Қаҳтарна алмаштириш, турар жой фондини ремонт қилиш, телефон ўрнатиш, сув таъминоти, шаҳар транспортининг иши, ободонлаштириш ва санитария билан боғлиқ хат ва шикоятлар бир муча кўпайганлиги маълум бўлди.

Текшириш натижаларини таҳлил этиб, умумий бўлим маълум ишларни амалга оширатганлигининг гувоҳи бўлди. Бироқ, у кўп ҳолларда шикоятларни қайд этиш билан чегараланиб қоляпти. Хат ва шикоятларга ўз вақтида жавоб бериш чораларини кўришга.

Утан бир йил давомида умумий бўлимининг

ташабууси билан меҳнатқашларнинг хат ва шикоятлари билан ишлаш масаласи тўрт марта ижроия комитетининг мажлисида муҳокама қилинди. Бундай муҳокамадан кейин қандай ўзгариш бўлди? Уларнинг фойдаси нималардан иборат? Афсуски, уларнинг самараси яхши бўлмади. Чунки тадбирларни ўтказишга пухта тайёргарлик қилилмади. Муҳокама пайтида бирон-бир аниқ широра танбеҳ ёки жазо қўлланилмади. Бунинг устига қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилиш ҳам яхши ташкил этилмаган.

Хатларни ўқишни турар жой ташкилотларида ташкил этиш катта самара беради. Агар ўтган йил давомида район Совети ижроия комитетига тушган хат ва шикоятларнинг тенг ярми ЖЭУларнинг хиссасига туғри келганлигини ҳисобга олган бўлсак, ўқунинг зарурлиги аққол кўришга қоларди. Интизом ва тартиб бўшатирилган жойда шикоятлар кўпайди. 10, 48, 68, 70 ва бошқа турар жой эксплуатация участкаларида суткашликка йўл қўйилгани учун меҳнат ва технология интизими пасайиб кетди. Натижада арива ва шикоятлар кўпайди.

Ишни яхшилашнинг катта резервлари қаерда мавжудлиги ҳақида тўхталийлик. Турар жой эксплуатация участкаларида меҳнатқашлардан тушаётган қўнчилик арива ва шикоятлар рўйхатдан ўтказилмайдими. Бинобарин, уларда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши назорат қилинмайдими. Амалга оширилган ишлар ҳисобга олиб берилмайдими. Ҳисобга олишнинг эгона системаси мавжуд эмас. Шу билан бир вақтда ижроия комитетининг умумий бўлими ҳам, турар жой ишлаб чиқариш-эксплуатация трести ҳам турар жой эксплуатация участкаларининг ишларини мунтазам текшириб боришмайдими, уларга бўлган талабчанлики сусайтириб юборилган.

Хат ва шикоятлар билан ишлашнинг ошқорали-

Меҳнатқашларнинг революцион ижодкорлиги билан вужудга келган халқ депутатлари Советлари давр синовидан ўтди, ўзининг ҳаётийлигини, тўла халқ ҳокимиятини амалга ошириш, оммани бириштириш ва сафарбар этишда улкан имкониятларга эга эканлигини исботлаб берди. Социалистик демократизм тараққиёти мангикнинг ўзи ваколатли Совет органларининг ана шу имкониятларидан мумкин қадар тўлароқ фойдаланиш ғоят зарурлигини кўрсатиб турибди.

(Урток М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съезидига сиёсий докладыдан)

гига аҳамият берилмайдими. Қонунчиликда эса меҳнатқашларнинг арива ва шикоятларида кўрсатилган иқтисодий аҳамиятга молик тақлифларнинг зарур бўлган ҳолларда меҳнат коллективларининг йиғилишларида, аҳоли турар жойларида муҳокама қилиш назарда тутилган.

Бизнинг назаримизда, бундай тадбирларнинг амалга оширилиши шикоятларнинг кескин камийишига олиб келган, қайта-қайта шикоятлар эълишининг олдини олган бўларди.

Меҳнатқашларнинг хат, арива ва шикоятлари бизнинг камчиликларимизни кўрсатади. Шу билан ҳам ишнинг маънавияти раҳбар ходимлардан меҳнатқашларнинг хат ва шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва туғри хал қилиш учун бўлган масъулиятни чуқур хис қилишни талаб этмоқда. Бу борада амалга оширилган тадбирлар тартибини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Б. ҚОСИМОВ, халқ депутатлари Киров район Советининг социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини сақлаш доимий комиссияси раиси

Зарбдор меҳнат

Қуйбишев район Советининг депутаты, лак-бўёқ заводининг ишчиси Фотима Қошимхўжаева билан муқабилда бўлди. Жамоат топшириқлари билан бирга ўзининг асосий вазифасини ҳаминча ортиқча билан уздай келтирган ишчи партия аъзамлари шарафига олган шахсий мажбуриятини муддатидан олдин бажаришга муваффақ бўлди. У ўз оилак вазифани уздайлашгани ҳақидаги рапортга ишмо чекти.

Ютуқ ўз-ўзиндан келгани йўқ. Кўп йиллик тарихи, иш вақти ва технологиядан самарали фойдаланиш туфайли Ф. Қошимхўжаева янги марраларни забт этмоқда. Мамлакатимиз коммунистлари съезидига бағишлаб ўтказилган зарбдор ўн кунликлар резервларини аниқлаш ва ишга солишга муҳим роль ўйнади.

Корхона партия комитетининг аъзоси Валентина Швецова, Қуйбишев район партия комитетининг аъзоси Раиса Бондаренко, 9-неч аппаратчи Любовь Лисовская ҳам ўз оилак топшириқни уздайлашди. Зарбдор меҳнат билан касбдошларини янги марраларга чорлаётган бу депутатлар яна бир таштабуусини бошлашди. Улар КПСС XXVII съезди иш олиб бораётган кунларда смена топшириқини 130 процентга бажариб, фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрламоқдалар.

Жонқур ишчиларнинг таштабуусига Гулнора Гайфуллина, Олимжон Яхин, Татьяна Уюмская сингари ўнлаб ишчилар қўшилдилар.

М. ҲАКИМОВА.

Сайловчилар нақизи

Тошкент тепловоз ремонт депоси ишчиси, Ҳамза район Советининг депутаты Н. А. Фурер сайловчилар билан учрашди. У ўзбекистон Компартияси XXI съезидан сўнг қурилиш ташкилотларида, транспорт ва маънавий қизмат соҳаларида ижобий ўзгаришлар бўлаётганлигини сўзлаб берди.

Учрашувда сайловчилардан — врач Абдужаббор Абдурахмонов, 230-мактаб директори Фариза Қошимова, ўн-тўғуви Рихсол Иброҳимова ва пенсионер Ахрор Аҳмедовлар «Радость» кўчасидаги мактабдан бошлар боғчасигага тротуар қўйиш, «Янгиобод» массиви марказида китоб ва маданият моллар магазини очиш, Солнечный кўчасидаги 4 ва 5-проездларини жорий ремонт қилиш, Валиманов ва «Радость» кўчаларига светофор қўйиш, оталик ташкилотнинг 230-мактабга ёрдамчини ахшиллаш, 26 ва 30-автотўловларнинг бир меъёрга қатнашини таъминлаш, «Янгиобод» массиви билан Ленин майдони оралигида маршрутлик такси қатновини йўлга қўйиш ҳақида иштаклар билдирилди.

Қ. ТУЛАБОВЕВ.



Суратда майни табассум билан бошиб турган бу аёл «Промсвязь» тартиб заводи ишчи-слесари Наталья Корхонкина. Унинг корхонада меҳнат қилаётганига кўп бўлгани йўқ. Ишга сидиқ-

дидан ёндошиши, касбдошларига меҳрибонлиги, жамоат топшириқларини жон-қандан бажариши туфайли коллективнинг ҳурмати қозонди. «Коммунистик меҳнат зарбдори»

Т. Каримов фотоси.

Аҳоли миннатдор

Ўтган йили биз истиқомат қилаётган маҳалла кўчаларида ахлатлар уюлиб қоларди. Уларни «Автодормеҳназа» ходимлари вақтида олиб кетишмасди. Бу Киров район Совети депутатларига нақаз сифатида маълум қилинди. Кўп ўтмасдан кўчаларда озодалик ва саринталик вужудга келди.

Депутатлар нақазларини бажаришга катта аҳамият билан қараётганликларини яна бир нисолда ҳам кўриш мумкин. Улар Ватан уруши қатнашчиси Илдуш Усмонов Уста Ширин қўчасининг Янгиарчи бекатида газета кнокаси очилиши тақдир қилиди. Сайловчи Латиф Табибов эса

ланганлигини халқ вакилларига маълум қилди. Маҳалла аҳолиси шунингдек, Хомелов, Тўхтасин Жалялов кўчаларида қанализация восталари ўрнатилиши таълиб қилинди. Шунингдек, Уста қилинди. Шунингдек, Уста қилинди. Шунингдек, Уста қилинди.

Депутатларнинг аҳоли эҳтишини санчилаб, ўрнатилган аҳолининг дилни қувонтиришда, Кекалар, турли соҳанинг вакиллари депутатларга катта ишонч билан қараб янги нақазлар беришпти. Жумладан, Янгиарчи маҳалласининг активларидан бири Абдуазим Қўчқоров Макаров кўчасидаги 80 метр масофа канализация шохобасини тўзатиш баҳонаси билан бузиб таш-

А. НАБИХУЖАЕВ.

ДУНЁ ХАВАРЛАРИ

ТАСС ВА АНН МУХБИРЛАРИ ЭСАДИЛАР

СОЦИАЛИЗМНИНГ ТАРИХИЙ ВАЗИФАСИ

Бутун Ер юзининг нигоҳи Москвага, КПСС XXVII съезидига қаратилган. Чет эл мамлакатлари оммани ахборот восталарининг хабар беришга қараганда, телевидение орқали бутун дунёга таралган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг съездга Сиёсий докладыни Ер юзидан барча одамлар эшитиладиган, шу ҳужжат билан радио орқали танишиш имкониятига эга бўлдилар. Дуствларимизга эмас, балки мафкуравий душманларимиз ҳам ана шу ҳужжат муносабати билан билдирилган фикрларда, Совет Иттифонини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг совет коммунистлари анжуманида муҳокама қилинаётган тўп вазифаларни КПССнинг халқаро стратегиясини ҳам белгилайди, деб таъкидламоқдалар. Ленин партиясининг таъқиқ сўзига энг биринчи програми талаби — совет халқига мустақам тинчлик ва эркинлик шароитида меҳнат қилиш имкониятини яратилиш иборатдир. Ҳозирги шароитда ана шу талабни бажариш — бу аввало ядро урушига моддий тайёргарликни тўхтатишдан иборатдир.

Ядро ҳавфига, қуролланмиш поғнага қарши, ялпи тинчликни сақлаб қолиш ва мустақамлаш учун кураш КПССнинг жаҳон майдондаги фаолиятининг бош йўналишидир, деб таъкидлайди Хундусов радиоси. КПСС вужудга келган вақтинчи ҳар томонлама таҳлил этиб ялпи қирғин қуролнинг ҳозирги ўн йилликнинг охиригача тўла тўғатишга қаратилган мукамал програмmani — қўла ми ва аҳамияти жиҳатидан тарихий программани олга сурди. Бу программанинг амалга оширилиши инсоният олдида ривожланишнинг мулқоқ янги йўлини, фақат яратувчилик ишлари билан шугулланиш иммониятини очиб берган бўлур эди.

Совет коммунистларининг съезиди жуда катта халқаро аҳамияти воқеадир. — деди Панамма Халқ партияси Марказий Комитетининг ижроия секретари Мигель Порсель. Съезд муҳокамасига қўйилган ҳужжатлар, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Сиёсий доклады совет халқи келажак сарни ишонч билан бораётганлигини далил беради. Бу ҳужжатларда социалистик жамиятнинг янада тақомиллаштириш ва коммунизм қуришнинг равшан вазифалари олга сурилган. Бу ҳужжатлар бутун инсониятга тинчлик ва социал тараққиёт — йўлини кўрсатиб турибди.

Совет раҳбари М. С. Горбачев асосий сиёсий доклады билан сўзлаб ишга ишчанлик бахш этиди, деб хабар қилди Американинг Ассошиэйтед пресс агентлиги. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўз докладыда 2000 йилга қадар ядро қуролли тўла тўғатиш программаси таърифлаб берилган 15 февралдаги Совет баёнотида Вашингтоннинг қандай жавоб қилаётганлиги тўғалиб, Р. Рейган жавоб мактубида қуролсизланиш ва хавфсизлик масалалари юза, сиден Советларнинг у ёни бу тақлифларга умуман қўшилаётган бўлса ҳам, унинг ижобий мулоҳазалари турли пинсадлар, «боғлиқ қилиб қўйишлар», «шартлар» орасида қўмилиб қетаётганлигини айтди. Москанинг фикрича, буларнинг ҳаммаси қуролсизланишнинг тўп масалаларини ҳал этишга тўсқинлик қилади.

Американинг бошқа — ЮПИ агентлиги мухбири қуйидагиларни хабар қилди: Совет раҳбари АҚШнинг «имперализмининг локомотив»



БУТУН РСФСР ВА АФГАНИСТОН УРТАСИДА ДУСТЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ҒРНАТИЛИШИ ТҒҒРИСИДА ШАРТНОМА

ИМЗОЛАНГАНЛИГИГА 65 ИЛ ТУЛДИ.

Мамлакатнинг Наманган вилояти маъмурий маркази — Жалолободнинг савдо ҳаёти бирор дақиқа ҳам тўхтаб турмайди. Мамлакатнинг Наманган вилояти маъмурий маркази Г. Наҳиддин фотоси.

